# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 17 июнь. СЕШАНБА № 48 (5.819). Сотувда эркин нархда


*Ғалла — ризқ-рўзимиз сарчашмаси*

**«Соҳибкор» халқ корпорацияси фақат Наманган туманидагина эмас, балки вилоятдаги йирик, кўп тармоқли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжалик ғаллакорлари бу йил 243 гектар ерда бошоқли дондан мўл ҳосил етиштириб, шу кунларда ҳосилни саранжомлаб олиш учун катта уюшқоқлик кўрсатмоқдалар. Хўжаликда кунига 25-30 гектар ғаллазордаги ҳосил ўриб-йиғиб олиниб, пешма-пеш жўнатилмоқда. Ҳосилни саранжомлашда пешқадам комбайнчилардан Абдурашид Нишонов, Қутбиддин Раҳмонов, Собиржон Пўлатовлар жонбозлик кўрсатишяпти. Ғалла ҳосилдорлиги қарийб 65 центнерни ташкил этаётганлиги айниқса, қувончлидир.**

**Суратда: агроном Муҳаммад Қодиров, бригадир Абдулла Муллабоев ва моҳир комбайнчи Умарали Сатторовлар ғаллазорда.**

**П. АКБАРОВ олган сурат.**



## ЮҚОРИ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари жорий йилда бошоқли дондан юқори ҳосил етиштириб, республикада биринчи бўлиб ўримйиғимни бошлаб беришган эди. Айни чоғда вилоятдаги хўжаликлар ғалла режасини бирин-кетин бажармоқдалар. Масалан, яқинда Ангор туманидаги «Занг», Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжаликлари дастлабки маррани қўлга киритдилар. Ҳосилдорлик гектарига 38-40 центнерни ташкил этди. Жарқўрғон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эса ҳосилдорликни гектарига 45 центнердан ошириб юборишди.

Шунингдек, Узун туманидаги «Серҳаракат» жамоа хўжалиги ҳам давлатга 1210 тонна сара дон топшириб, яқинда йиллик режани бажарди. Шундай қилиб ғаллакорлар ҳосилдорликни 43 центнерга етказишди.

## ПУДРАТЧИ ХИРМОНИ

**Балиқчи тумани деҳқонлари 6 минг гектар майдондаги бошоқли дондан мўл ҳосил етиштиришди. Айни чоғда туманда ғалла ўрими қизғин паллага кирди. Бу ишда туманнинг Навоий номли жамоа хўжалиги комбайнчилари И. Темуров, И. Тошматов, Б. Козимбеков, А. Раҳмоналиевлар ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда. Хўжаликдаги Мадамин Раҳмонов оилавий пудрати ўримнинг иккинчи куниёқ режани уддалаб қўйди. Пудратчилар ҳар гектардан 78 центнердан сараланган дон янчиб олишди.**

**Тумандаги Ҳ. Эргашев номидаги жамоа хўжаликда эса ҳар куни режанинг 18 фоизи миқдорида дон тайёрланмоқда. Бунда оилавий пудратчиларнинг улуши катта бўлаяпти. Ҳозирнинг ўзида бешта оилавий пудратчилар режани уддалашди. Абдулҳат Майманов оиласи эса гектаридан 77 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Айни чоғда улар ўзларига тегишли 18 гектар ерни соя экишга тайёрлашмоқда. Бу такрорий экиндан оилавий пудратчилар 280 минг сўм даромад кўришни кўзлаб турибдилар.**

## ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК: ОЛДИНГИ ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков раислигида республика халқ хўжалиги тармоқларини 1997—1998 йиллар куз—қиш даврида ишлашга тайёрлаш масалалари комиссиясининг кенгайтирилган кенгаши бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, корхоналар ва муассасаларнинг кузги—қишги даврга ўз вақтида тайёргарлик кўриш учун масъул бўлган раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Комиссия жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тинглади ва муҳокама қилди. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг, ҳудудий бошқарув органларининг кўпчилиги ўтган кузги—қишги даврга тайёргарлик тадбирларини ўз вақтида амалга оширгани, натижада халқ хўжалиги мажмуининг барқарор ишлаши таъминлангани ҳамда аҳоли ёқилғи—энергетика ресурслари ва коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаб турилгани қайд этилди.

Бироқ айрим тармоқларда, шаҳарлар ва туманларда кузги—қишки мавсумни ўтказиш учун тегишли шароит яратилмаган. Комиссия бундай нуқсонларнинг сабабларини батафсил кўриб чиқиб, ёқилғи ва бошқа зарур материалларнинг етарли заҳирасини вужудга келтириш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Қозонхона хўжалигини, иссиқлик, сув қувурлари, газ, канализация, электр тармоқларини тайёрлашга, уй-жойларни, ўқув юртларини, болалар муассасалари, шифохоналар, поликлиникалар ва ётоқхоналарни ҳамда бошқа иншоотларни таъмирлашга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосарлари Қ.Ҳаққулов, Р.Юнусов, К.Раҳимов иштирок этди.

**(ЎзА)**

# БУҒУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Ҳукуматимиз ғалла мустақиллигига эришиш борасида изчил сиёсат олиб борган ҳолда деҳқонларга катта имкониятлар яратиб беряпти. Жумладан, ғаллакорларга уруғ, ёнилғи материаллари, олдиндан 40 фоиз аванс бериш масалалари ҳал этилди. Ўрим-йиғим комбайнлари сотиб олиш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва техникани таъмирлаш ишлари ташкил этилди. Бунга жавобан деҳқонларимиз жорий йилда бир миллион сувли ва 500 минг гектар лалми ерларда бошоқли дон экинларини яхши парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Жойлардаги мутахассисларнинг фикрига кўра, ғалланинг ривожи бу йил 8-10 кун эрта бўлиб, 4 миллион тонна атрофида дон етиштирилган. Эндиги вазифа баракали ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олиш, давлат буюртмасини бажариш, келгуси йил ҳосили учун уруғ жамғариш ва пудратчиларнинг улушини вақтида беришдан иборатдир. Булар ўтган шанба куни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғалла ўрими, ғўза парвариши ва такрорий экинлар экилишининг боришига бағишланган сим орқали йиғилишда кенг таҳлил этилди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азимжон Муҳиддинов олиб борди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Маркс Жуманиёзовнинг маърузаси тингланди.

Ғалла ўримининг биринчи кунлариданоқ отни қамчилаган вилоятлар бугунга келиб дуруст кўрсаткичларга эришдилар. Масалан, республикада биринчи бўлиб ўримйиғимни бошлаган Сурхондарё вилояти ғаллакорлари шу йил 11 июнга 20 минг гектар ердаги ғаллани саранжомлаб бўлишди. Вилоятда бир кунда 2 минг гектардан зиёд ғалла ўриб-янчилмоқда. Кунлик ўрим суратини 3,3 фоизга етказаётган Бухоро вилояти деҳқонлари ҳам ишни қизитгандан-қизитишмоқда. Улар мавсум бошидан 22 фоиз жойдаги ғаллани йиғиштириб олишди. Ўримнинг биринчи кунлариданоқ ҳосилдорликда ибрат бўлаётган андижонликлар шашти баланд.

Аксарият туман ва хўжаликларда юқори ҳосилдорликка эришилаётгани барчамизни қувонтиради, албатта. Жумладан, Норин, Учқўрғон, Наманган туманларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 50-56, Узун, Денов, Қува, Бувайда ва Боғот туманларида 40-45 центнерга тўғри келмоқда. Балиқчи туманидаги баъзи пудратчилар эса ҳар гектардан 77-78 центнергача ҳосил кўтардилар.

Айни кунларда ўрилган донни тозалаб давлатга сотиш ҳам бошлаб юборилган. Агарда шу йил 11 июнга бўлган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада сурхондарёликлар илғорликни қўлдан беришмаяпти. Шу кунгача улар 73,8 минг тонна ғаллани давлатга топширишди. Мавсум бошидан Фарғона вилояти 43,9 минг тонна, Бухоро вилояти 42 минг тонна дон топшириб, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Поп туманидаги «Чодак», «Навбаҳор», «Ўзбекистон», Ангор туманидаги «Занг», Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» хўжаликлари давлатга дон топшириш режасини республикада биринчилардан бўлиб уддаладилар.

Лекин ғалла ўрим-йиғими ва унинг натижалари барча вилоят, туман ва хўжаликларда кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Ҳозирги кунда ғалла асосий майдонларда пишиб етилди, комбайнларнинг ишлаши учун ҳамма нарса тахт. Бироқ комбайнларни ишга жалб этишда сабабсиз оқсашлар бор. 11 июнь куни республика бўйича мавжуд 8159 та комбайндан 3 минг 383 тасидан фойдаланилди, холос. Уларнинг ўртача унумдорлиги эса 4,3 гектарни ташкил этди. Фарғонада ҳар бир комбайн кунига 2,6, Жиззахда 3,1, Наманганда 3,4 гектаргина ўрди. Агарда аҳвол шундай кетаверса, яна ўтган йилги хатолар такрорланади. Ахир, ўтган йили кўпгина хўжаликларда шу важдан донни ўриб-йиғиб олиш 60-70 кунга чўзилган эди. Бу ерда шуни эслатиб қўйиш керакки, донни ўриб-йиғиб олиш муддати чўзилса унинг нобуд бўлишига олиб келади.

Эсингизда бўлса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида сим орқали бўлган олдинги йиғилишда биринчи навбатда ўт босган майдонларни тезда тозалаш, бегона ўт босиб кетиши

*Тармоқ таҳлили*

мумкин бўлган майдонларни алоҳида ўриш тавсия қилинган эди. Кўп хўжаликлар бу кўрсатмадан тўғри хулоса чиқармадилар. Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли, Янгийўл туманидаги «Эски қовунчи», «Дўстлик», Челак туманидаги П. Нурмонов номли, Нарпай туманидаги «Туркистон», Гўзалкент туманидаги «Дўстлик», Ш. Рашидов туманидаги Ш. Рашидов номли, Гагарин номидаги, «Пахтаобод» жамоа хўжаликлари шулар жумласидан.

Ўтган йили йиғим-теримда ҳисоб-китоб ва етарли тадбирлар амалга оширилмаганлиги оқибатида айрим жойларда етиштирилган донни талон-торож бўлишига йўл қўйиш ҳоллари содир бўлди. Бунинг натижасида бир қатор хўжалик раҳбарлари ва меҳнатчилар жиноий ҳамда моддий жавобгарликка тортилдилар. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида бу йил кўп жойларда анча ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало, аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳисоб-китоб пухта ташкил этилмоқда. Ҳар бир механизатор, донни қабул қилувчи ходимнинг масъулияти оширилмоқда. Ҳисоб-китоб дафтарларида дала — хирмон ўртасидаги масофада тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва унинг қайд этилиши қатъий назоратга олинган. Бунинг учун минглаб ҳуқуқ-тартибот ходимлари жалб қилинган. Шунга қарамасдан бу иш баъзи жойларда кўнгилдагидек бораётир, деб бўлмайди. Масалан, Сурхондарё ва бошқа баъзи вилоятлардаги хўжаликларда етиштирилган доннинг бир қисми талон-торож бўлганлиги ҳақида маълумотлар борлиги аниқланяпти. Донни ўзлаштирган кишиларнинг баъзилари устидан жиноий иш қўзғатилди. Ёнғин хавфсизлигига йўл қўйган хўжаликлар ҳам онда-сонда бўлса ҳам учрамоқда.

Бу йил аксарият хўжаликларда ғалла кўп суғорилди. Май ва июнь ойларида ёғингарчилик меъёридан ортиқ бўлди. Ғалла майдонларида эса намгарлик ҳозир етарлидир. Шу сабабли ғалладан бўшаган майдонлар пешмапеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экиш айни муддао бўлади. Чунки шудгор ва экиш сифатли бўлиб, уруғ тупроқнинг ўз намига ўндириб олинади. Акс ҳолда ернинг нами қочиб, кесак кўпаяди ва экиш оғирлашади. Бу йил республикада ғалладан бўшаган ерларнинг 400 минг гектарига такрорий экин экиш режалаштирилган. Шундан 250 минг гектари силос учун макка, 80 минг гектари сабзавот, 70 минг гектари бошқа қишлоқ хўжалик экинларидир. Лекин шу кунгача кўп ерлар бўшаб қолганига қарамай, такрорий экин экилган майдон 4-5 минг гектарни ташкил қилди, холос. Кўплаб вилоятларда эса бу юмушга киришилгани ҳам йўқ. Ваҳоланки, бунинг учун ҳайдов тракторлари, сеялка, уруғлик заҳираси ва бошқалар етарли

Бугун ғалла ўримини жадаллаштириш долзарб вазифа. Бунинг муҳим омилларидан бири — мавжуд техникадан оқилона фойдаланишдир. Бунда ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликлар тажрибасига таяниб, комбайнчиларга тегишли шароит яратиш керак.

Бундан ташқари ўтган йилги сабоқлардан хулоса чиқариб, исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир комбайннинг ўрим аппаратини соз ишлашини таъминлаш, мотовиласи иш маромини ҳар бир дала шароитига мослаш, янчиш барабанини, вентилятор ва элакларни йўриқномада кўрсатилганидек созлаш, ейилган тасмаларни ўз вақтида алмаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Ана шунда дон кам йўқотилиб, ўртача ҳосилдорлик ортади.

Жойлардан берилган ҳисоботлар шуни кўрсатмоқдаки, бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш, уни топшириш, озуқа тайёрлаш, такрорий қишлоқ хўжалик экинлари экиш ҳамда ғўза парваришига оид ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ҳозир қисқа муддатда аҳволни ўнглаб олиш, йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун зарур чораларни кўриш, чорвани дағал хашак билан етарлича таъминлаш жуда муҳимдир. Иқтисодий барқарорлигимиз ва республикамизнинг дон мустақиллигини таъминлаш кўп жиҳатдан бизнинг ушбу маъсулиятли даврда қандай ишлашимизга боғлиқ.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти*

## ҚУВАСОЙДА СУТ ЦЕХИ

Фарғона — республикада аҳолиси энг зич жойлашган вилоятлардан бири бўлиб, бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш босқичма-босқич олиб борилмоқда. Бу юмуш асосан кичик корхоналарни ишга тушириш ҳисобига амалга оширилмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган қурилиш материалларини тайёрлаш, пойабзал, кийим тикиш, кундалик маиший моллар ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар шулар жумласидандир.

Яқинда Қувасойда яна шундай кичик корхоналардан бири ишга тушди. Бу цех яқин қишлоқлардан олиб келинган сутни қайта ишлайди. Корхона яқинда ишга тушганига қарамай ишчилар бу ерда 20 тонна сутни қайта ишлади ва уни Қувасойдаги йирик корхоналар, ўқув муассасалари, боғчаларга мунтазам етказиб берди. Бундан жамоа ярим миллион сўмдан зиёд даромад кўрди.

## БУҒДОЙДАН КЕЙИН ШОЛИ

***Хоразм вилоятида шолини кўчатлаб экиш йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Масалан, ўтган йили «Боғот» жамоа хўжалигида бу усул биринчи марта синаб кўрилган эди. Ўшанда 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнер буғдой, унинг ўрнига экилган шолидан 50 центнердан ҳосил олинганди. Жорий йилда хўжалик ғаллазор ўрнига шоли экишни яна 15 гектарга кўпайтирмоқчи.***

***Ғалладан бўшаган жойга шолини кўчатлаб экиш вилоятнинг бошқа хўжаликларида ҳам қўлланилмоқда. Масалан, Гурлан туманида шолига 70 гектар ер ажратилган. Лекин деҳқонлар юқоридаги усулни қўллаб 700 гектарга шоли экишни мўлжаллаб туришибди. Ҳозирча бўлғуси шолизорларда буғдой пишиб етилмоқда. Шоликорлар эса кўчатлар тайёрламоқда.***

***Шундай қилиб деҳқонлар ердан унумли фойдаланган ҳолда, бир йилнинг ўзида гектаридан 40-42 центнердан буғдой, 45-50 центнердан шоли олиш учун ҳаракат қилишмоқда.***

## САНОАТЧИЛАР МАДАДИ

Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги Навоий шаҳри оталиққа олган хўжаликларидан бири. Яқинда шаҳар ҳокимлиги оталиғидаги хўжаликка амалий ёрдам кўрсатди. Жумладан, жамоага 40 тонна цемент, 500 квадрат метр ёғоч маҳсулотлари, 10 та мактаб мебеллари мажмуи, спорт зали учун турниклар ва бошқа керакли маҳсулотлар тортиқ қилинди.

Навоийликларнинг бу ташаббусини вилоятдаги бошқа шаҳар ва йирик корхоналар ҳам қўллаб-қувватламоқда. Масалан, шу кунларда Зарафшон шаҳридан Қизилтепа туманига юқоридагига ўхшаш совғалар жўнатилган. Учқудуқ тумани деҳқонларини ҳам ана шундай совғалар кутмоқда.

**Ю. ҒОФУРОВ.**

*Матбуот сўзининг таъсири*

## САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

***«Қишлоқ ҳаёти»нинг шу йил 20 май сонида «Ҳаром ўлган молларнинг уволи кимнинг бўйнида» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Хоразм чорвачилигидаги жиддий камчиликлар танқид қилинганди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавобни олди.***

Мақолада вилоятимиз чорвачлигидаги мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Хусусан, таъкидланганидек, сўнгги икки йилу уч ой мобайнида 5.812 бош қорамол ҳаром ўлган, уларнинг 4.025 таси ёки 69 фоизини бузоқлар ташкил этади.

Асосий сабаб ем-хашакка бўлган талабнинг жуда паст даражада таъминланганлиги, бултур қишловга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги, озуқа майдонларининг қисқариб кетганлигидир. Чинданам дағал хашак тайёрлаш учун ажратилган майдонлар ўтган йили 27.731 гектар бўлиб, бу 1995 йилга нисбатан 17.810 гектар камайди деганидир.

Боз устига ўтган йили кузги ғалладан бўшаган майдонларга экилган силосбоп экинлардан кутилган даражада ҳосил олинмаганлиги, беда майдонлари деярли икки баравар қисқарганлиги оқибатида чорва емишининг асосий қисми сомон, янтоқдан иборат бўлиб қолди. Силос, сенаж, беда пичани каби ширали ва тўйимли озуқалар деярли йўқлиги сабабли бултур чорва қишлови оғир кечди ва кўплаб ёш моллар нобуд бўлди.

1996-1997 йиллар чорва қишлови даврида қорамолларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйган мутасаддилар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Ҳазорасп туман агрохизмат уюшмаси раиси вазифасидан четлатилди. Чорвачиликни давр талаблари даражасида ривожлантириш, сабоқлардан тўғри хулосалар чиқариш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Жорий йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, моллар туёқ сонини кўпайтириш мақсадида вилоят бўйича 44.980 гектар ерда ем-хашак етиштириш режалаштирилди. Шу жумладан, беда ва силосбоп экин майдонлари кенгайди. Муҳим соҳадаги ишлар қатъий назоратга олинди.

**Ж. ЎТАНОВ,**
**Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

## ҚАРОВСИЗ ЕР ҚАЙТАРИБ ОЛИНДИ

***Газетанинг шу йил 15 апрель сонида босилган «Фермерлик: бирида оз, бирида соз» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди:***

Мақолада асосан тумандаги Н. Исанов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Қудрат Ҳакимов бошлиқ «Қудрат» фермер хўжалиги хусусида сўз юритилган. У 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, етарли миқдорда ем-хашакн етиштириш учун 9 гектар ер ажратилган. Ўтган вақт давомида фермер хўжалиги тайёрлов идораларига ҳеч қандай қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотмаган. Бебаҳо бойлик — ердан ўзга мақсадларда фойдаланган. Боз устига фикр юритилаётган тадбиркор қонунларни бузиб мутасадди идораларга ҳисобот бермаган. Шунинг учун 1996 йил баҳорида фермер хўжалигидан 9 гектар ер майдони жамоа хўжалиги ихтиёрига қайтарилди.

Фермернинг ерга бўлган нотўғри муносабати ва унинг оқибатлари тумандаги барча тадбиркорларга етказилди.

**А. САЙФУТДИНОВ,**
**Жалолқудуқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.**

# Истиқлолнинг олти йиллиги шарафига

*Шу кунларда хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллик қутлуғ санасини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Азамат ғаллакорларимиз бепоён далаларда етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай саранжомлаш учун ғайрат-шижоат билан ишлаяптилар. Улар истиқлолимизнинг мустаҳкам таянчи — мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашдек муқаддас ишга муносиб улуш қўшиш учун барча куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини сафарбар этмоқдалар.*

*Бепоён пахтазорларда, сабзавот пайкалларида, боғ ва токзорларда ҳам юртдошларимиз мустақиллигимиз байрамини туҳфалар билан кутиб олиш учун барча имкониятларни ишга солаяптилар. Истиқлол куни арафасида фойдаланишга топшириладиган йирик қурилишларда, уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини тиклашда бунёдкорлар ғайратга-ғайрат қўшиб ишлашяпти.*

*Бошқа соҳаларнинг вакиллари ҳам муборак санани муносиб туҳфалар билан қаршилаш ниятидалар. Ушбу саҳифада юртдошларимизнинг жўшқин меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади.*

## МЕҲРДАН БАХТ, ЯХШИЛИКДАН ТАХТ ЯРАЛУР



Бугун ғаллазорлар мавжига бир назар ташланг, бўлиқ бошоқларнинг енгил шабадада тебраниши-ю, қуёш нурида жило беришини кўриб, ҳузур топасиз. Бундан ўн йил аввал қай томонга қараманг, фақат пахтазорни кўрардингиз. Деҳқонларимиз, тўғриси ғалла экишни ҳам унутаёзган эдилар. Ҳа, ўзбекдай миришкор, уқувли, меҳнатсуяр деҳқон дунёда кўпми?! Улуғ бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд «Қўлинг меҳнатдаю, дилинг Аллоҳда бўлсин» деб авлодларига васият қилгани бежиз эмас. Мустақиллик туфайли деҳқон меҳнати нашидасидан ўзгаларни эмас, ўз юрти фуқароларини баҳраманд этиб ҳузур кўрадиган бўлди.

Ғаллазорга ораласангиз «Юна», «Скифянка», «Интенсив» ва бошқа унлаб навдаги буғдойдан ҳосил тўпланган. Американинг «Кейс» комбайнлари ўзбек деҳқони ҳузурига келиб хизмат қилмоқда. Ғаллазорларимизга жаҳон дарвозалари орқали кириб келаётган янги техника карвонининг охири кўринмайди.

Ғаллакор етиштирган маҳсулотни бизнинг корхонада қайта ишлар эканмиз, уларнинг ютуғидан қувонамизда. Дардига шерик, камчиликларига биз ҳам мададкор.

«Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамиятида Сайхунобод, Оқолтин ва Гулистон туманлари хўжаликларида етиштирилган ғалла қабул қилинади. Ун ишлаб чиқарилади, омихта ем тайёрланади. Ҳозир қабул қилиниб олинаётган ғалла йил давомида корхонамиз тегирмонини юргизади. Хом ашё тез ва сифатли қабул қилинишини жамиятимиз ва вилоят бирлашмамиз раҳбарлари мунтазам назоратга олганлар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бошоқли дон экинларини нес-нобуд қилмай, талон-торожларсиз йиғиштириб олиш борасида қабул қилган қарорлари, кўрсатмалари иш фаолиятимизда дастуриламалдир. Айниқса вилоят ҳокимияти раҳбарлари кунора аҳволни ўрганаётгани, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг қатъий қонуний талаблар билан мурожаат қилаётгани ишга мадад бермоқда. Майда ўғирликлар, ташмачиликларга чек қўйилди. Ишчилар, қоровуллар ва омборхона ходимларининг масъулияти оширилмоқда.

Бугун корхонамизнинг унини барча суйиб истеъмол қилмоқда. Олий навли ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Биринчи навли уннинг сифатидан ҳам мижозлар мамнун. Истеъмолчилар томонидан жорий йилнинг беш ойида эътирозлар бўлмади.

Оқолтин тумани ҳудудида дон қабул қилиш пункти ишга тушди. Бу қурилишга ўн етти миллион сўм маблағ сарфланди. Иш тиғиз — ўрим-йиғим даврида ғаллакорларнинг узоқ манзили яқин бўлди. Ғалла шу пунктда қабул қилинаётир.

Сайхунобод тумани марказида ўттиз беш миллион сўм маблағ сарфлаб, Германия технологияси асосида ишлайдиган «Винклер» фирмасининг кичик нон ишлаб чиқариш заводи қурилди. Ҳозир завод тандирхоналаридан чиқаётган сифатли ва хуштаъм нон маҳсулотлари аҳоли дастурхонини безамоқда.

Бу йил инсон манфаатларини ҳар йилгидан кўра кўпроқ ҳимоя қилишга, одамлар дардига кўпроқ малҳам бўлишга бурчлимиз. Президентимиз И. Каримов юқори минбардан туриб бутун халқ, эл-юрт манфаатлари нақадар муқаддас эканини алоҳида таъкидлаб, қарорлар қабул қилгани мустақил юртнинг ҳар бир фуқаросини хушнуд этди. Вазифамиз бу савобли юмушни изчил ижро этишдир. Маълумки, корхонамизнинг иқтисодий имконлари кўп. Шу боис манфаат излаб, нажот истаб ҳузуримизга ташриф буюрувчилар даргоҳимиздан кўнгиллари тўлиб қайтсин деймиз. Жамиятимиз раиси Саттор Обидов ҳар қандай вазиятда ҳам муҳтожларга ёрдам қўлини чўзадиган, тадбиркор, қатъиятли, ишбилгувчи раҳбарлардан. Қўли очиқнинг йўли очиқ, кўнгли очиқнинг эса омади чопаверади.

Корхонамизда ёрдамчи хўжаликлар бор. 380 бош қўй, 1200 та парранда, 15 бош қорамол боқиляпти.

Ишчиларимизнинг аксарияти болажон. Уйим-жойим, оилам, болаларим дейди. Ҳар ўн кунда ишчи-хизматчиларга арзон нархда гўшт, тухум тарқатилмоқда. Йил бошидан буён 64 нафар кишининг ҳар бирига икки минг сўмдан моддий ёрдам пули берилди. Жамиятимиз қарамоғида йигирма олти нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлари бор. Уларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиб байрам шодиёналари арафасида совға-саломлар билан хонадонларига бориб қувонч улашишга одатланганмиз.

Беш ой ичида ўн бир нафар ишчи дам олиш масканларига бепул йўлланмани корхона ҳисобидан олишиб, саломатликларини тиклаб қайтдилар. Омихта ем, буғдой чиқиндиси ишчиларга ишлаб чиқариш нархида бериб борилаётир.

Соғлом авлод тарбияси учун ҳар қанча маблағ сарфласак арзийди. Корхона жамоаси маориф бўлимига қарашли ночор қолган болалар боғчасини ўз қарамоғига олиб савобли ишга қўл урди. Ҳозирда боғчада тарбияланувчиларнинг таъминоти яхшиланди. Боғча тўловларининг эллик фоизини ҳиссадорлар ўз зиммаларига олди. Бир юз эллик минг сўмлик ўқув қуроллари, ўқувчилар кийим бошлари мактабга тортиқ этилди. Бугунги кунда оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш учун 107 та йўлланма жамият ҳисобидан ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, қаровчиси йўқларга меҳр кўрсатиб, роҳатланамиз. Дунёда инсондан қурган иморатлару тайёрлаган шогирдлар, меҳр-ла қилинган яхшиликлар қолади-ку!

Яқинда хайрли тадбир бўлди: корхонада узоқ йиллар ишлаган, бутун тажрибасию билимини сарфлаган муҳандис, марҳум Раҳматилло Оқилов хотираси учун савобли ишга қўл урилди. Корхона ҳисобидан у кишининг оила аъзоларига 50 минг сўмлик акция ёрдам тариқасида ажратилди. Ҳеч ким боқувчисини йўқотмасин экан. Оқиловнинг оила аъзолари ёрдам учун жамоа аъзоларига мамнуният изҳор этдилар.

Одамларга яхшилик қилишдан-да юксак бахт борми дунёда!

**Абдуқаюм ҚОДИРОВ,
«Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари.**

### ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

*Инсон манфаатлари йўлида мардона меҳнат қилаётган Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари қабул пунктларига 791 тонна сара дон топшириб, вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажардилар. Ғалланинг «Скифянка», «Интенсив» навлари экилганди.*

*Эришилган ғалабага 55-60 центнердан дон етиштирган тажрибали ижарачилар Муҳаммаджон Қодиров, Эркин Тўронов, Салим Иномов, Исомиддин Ҳайитовлар жуда катта ҳисса қўшдилар.*

*Ғалла ўрим-йиғимида комбайнчилар Абдуқаҳҳор Раззоқов, Холматжон Турдиев, «Кейс» ҳайдовчиси Адҳам Эргашев, Зокир Хўжаназаровлар жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.*

*— Хўжаликнинг 435 гектар майдонидан 160 гектар ҳосили ўриб-йиғиб олингандаёқ хирмон тўлди, — дейди бошқарув раиси Рўзимат Усмонов. — Ҳали қолган майдондан яна 1048 тонна дон йиғиштириб оламиз. Ялпи хирмон икки минг тонна бўлади.*

**Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.**

### ДОВОН ОШДИ

**Поп тумани ғаллакорлари жорий йилда 40 минг тонналик бошоқли ғалла хирмонини яратиш ниятида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиляпти. Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар кутилган самарани бермоқда. Туман ғаллазорларида 60 га яқин комбайн жавлон урмоқда. Шундан 13 таси қудратли «Кейс»лардир. Дон ва сомонни манзилга элтишда 300 га яқин трактор, юк машиналари, 57 та юклагичдан фойдаланилмоқда. Ҳар куни Поп дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятига минг-бир ярим минг тонна сара дон топширилмоқда. Бирин-кетин бригадалар, хўжаликлар ғалаба рапортига имзо чекишаяпти.**

**Ўрим-йиғимни биринчи бўлиб бошлаган моҳир ташкилотчи Толибжон Жўраев раҳбар бўлган «Иттифоқ» жамоа хўжалиги дашт зонасидан 652 тонна бебаҳо неъмат йиғиштириб олиб давлат буюртмасини беш иш кунида бажарди. Зарбдорлар яна юз тонна ғалла сотиш, ялпи хирмонни 800 тоннага етказишга азму қарор қилишди.**

**Тумандаги «Чодак» жамоа хўжалигида ҳам масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Комбайнлар пухта созланганлиги, ялпи сафарбарлик таъминланганлиги туфайли хўжаликда йиллик режа уч иш кунида бажарилди.**

**Ишни моҳирона ташкил этган «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳам довон ошдилар.**

**Э. ҲАСАНОВ.**



**Наманган шойи ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Корхона цехларида калавачилар, тўқувчилар ва бошқа касб соҳиблари ўртасида меҳнат беллашуви авж олдириб юборилган. Бу борада 2-ип йигирув фабрикаси ишчи-хизматчилари яхши натижаларга эришаяптилар.**

**Суратларда: 1. 2-йигирув фабрикаси моҳир ишчиси Гулмира Султонова. 2. Шу жамоанинг пешқадам ишчиларидан Моҳира Усмонова (чапдан), Муҳаббатхон Усмонова ва Баҳриддин Мўминовлар.**



### ЖАҲОН АНДОЗАСИГА МОС

**Самарқандда «Бравосут» деб номланган янги Ўзбекистон-Литва-Америка қўшма корхонаси иш бошлади. Йилига минг тоннадан зиёд музқаймоқ, қарийб 350 тонна қадоқланган сариёғ ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бу қўшма корхонага энг замонавий жиҳозлар ҳамда илғор технологияли асбоб-ускуналар ўрнатилган. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ўзининг сифати, ташқи кўриниши билан жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради. Бундан ташқари, «Бравосут»да ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга сотиш ҳам режалаштирилмоқда.**

## УСТАЗОДАНИНГ УЧИНЧИ АВЛОДИ

Мухтор ака вилоятдаги тадбиркорлар ва ҳунармандлар кўрик-танловидан уйга қувонч билан қайтди. Ўғли Ғайбуллажон кулиб унга пешвоз чиқди:

— Отажон, суюнчи беринг!

— Қандай хушхабар, болам?!

— Ўғил кўрдим, ўғил! Исмини қўйиб беринг, — деди севинчини ичига сиғдиролмаган Ғайбулла.

— Жуда соз! Яна бир хушхабар. Кўрик-танловда вилоят биринчилиги бизларга насиб этди. Ғолиб бобо неварасининг исми Ғолибжон бўлсин!

Ўша куни Мухтор акалар хонадонида қўшалоқ байрам бошланди...

Навоий номли жамоа хўжалигининг Юқсун қишлоғида Мухтор Муродовлар оиласига ҳамма ҳавас қилади. Боиси шуки, ота-боболари касбини эъзозлаб, асло кам бўлмаяпти. Кўп йиллар Қизилтепа тумани қурилиш ташкилотларида дурадгорликдан тортиб бош муҳандис вазифаларигача ишлаган Мухтор ака бобоси уста Пирим, отаси уста Мурод изидан борди. Наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги маҳоратини пухта эгаллаб, ўз санъатини ҳаммага кўз-кўз қилиб келмоқда. Унинг ҳунарини ўғиллари Ғайбуллажон, Ортиқжон ва бошқалар ҳам яхши эгаллаган.

Тадбиркор учун қийинчиликлар писанд эмас. 1993 йилда М. Муродовга бўшаб қолган ферма биносини беришганди. Бино таъмирланиб, «Уста Мурод» нақш-

*Тадбиркор — элга мададкор*

ўймакорлик кичик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда аҳолидан олинган буюртмалар асосида аввал эшик-деразалар ясалди. Кейинчалик халқ ҳунармандчилигининг ёғоч ва ганч ўймакорлиги усулида тўла фаолият кўрсатила бошланди. Уста Мухтор ва унинг ўғиллари, шогирдлари қўлидан сайқал топган дарвоза, ойнаванд шкаф, стол, турли ҳажмдаги курсилар кўпчиликнинг олқишини ола бошлади. Ана ўшандан буён ёғоч ва ганч ўймакорлигини ҳақиқий санъат деб билган ҳунарманд оила халқ хизматида.

Кичик корхонага бориб, усталарнинг ишини кузатсангиз нақшларнинг ёғочга нозик дид ила кўчирилишидан кўзингиз қувонади. Корхона атрофи ободонлаштирилган. Қарийб бир гектарда тез ўсадиган тераклар кўпайтирилмоқда. Вояга етиб, хом ашё сифатида ишлатилаётгани ҳам кўпгина. Наврўз байрами кунларида отахон ўғиллари билан биргаликда беш минг туп терак қаламчалари, 30 туп мевали кўчатлар ўтказди. Ҳозир улар гуркираб ўсмоқда. Корхонадан бир неча метр нарида ҳовуз қазилган.

— Ёғочларни сувга ташлаб қўямиз, — дейди уста Мухтор Муродов. — Чидамлилиги ошади. Ёғочга қурт тушмайди. Улардан ясалган буюмлар чиройли, нафис тус олади. Ҳовузда балиқ кўпайтирамиз. Бундан ташқари, ёз жазирамасида гужумлар, тол-тераклар соясида завқ билан ишлашга нима етсин!

Тадбиркор Мухтор Муродовнинг нияти ҳунармандлар учун мактаб очиш, ёшларни ўқитиш ва кичик корхона учун кадрлар тайёрлаш. Зеро, улуғ ният билан яшайдиганлар доимо улуғланади.

Қизилтепа туманидан бир гуруҳ тадбиркор-ишбилармонлар Тошкентда ўтказилган «Ташаббус-96» кўрик-танловида иштирок этишганди. Уста Мухтор Муродовга Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фахрий ёрлиғи, қимматбаҳо совғаларини олиш насиб этди. Отахон танлов ғолиби бўлди.

«Уста Мурод» кичик корхонаси фидойиларига янада юксак парвозлар тилаймиз.

**Баҳодир ЭГАМОВ.**

## ҚУВОНЧЛИ НАТИЖА

**Чорток туманининг миришкор деҳқонлари ўтган йили кузда 4 минг 100 гектар ерга дон сепишганди. Шундан 106 гектари арпа. Азаматлар кузги ва баҳорги парвариш ишларини юксак агротехника талаблари асосида олиб борганликлари туфайли барча майдонларда режани қоплайдиган даражада ҳосил тўплашди.**

**Туман ғаллакорлари бу йил ўрим-йиғимга Наманган вилоятида биринчи бўлиб киришдилар. Мавсумда 40 та «Нива» ҳамда 2 та «Кейс» комбайнларининг тўла қувват билан ишлаши учун пухта тайёргарлик кўрилган. Шунингдек, сомонни зичловчи, уни юкловчи, донни тайёрлов идораларига етказиб берувчи — жами 305 та транспорт воситалари хизматга шайланган.**

**Мавсумни биринчи бўлиб бошлаган навоийликлар 600 гектар, «Ойқирон»ликлар 480 гектар, «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги» деҳқонлари 360 гектар, «Ғалабанинг 45 йиллиги» миришкорлари эса 275 гектар майдондаги ғаллани тезроқ ўриб-йиғиб олиш учун кун сайин суръатни оширмоқдалар.**

**Юқорида номлари тилга олинган хўжаликларнинг ғаллакорлари соҳанинг сир-синоатини пухта ўзлаштириб олганликлари туфайли ўрим-йиғимда ҳам карвонбошиликни қўлдан бермай келишяпти. Ҳозирча ўртача ҳосилдорлик 46 центнерни ташкил этаяпти. Шунингдек, туманда 55-60 центнерчи ғаллакорлар сафи кенгаймоқда.**

**— Бу йил ғаллакорларимиз 17 минг 800 тонна дон етиштириб, шундан 9 минг 600 тоннасини давлат омборларига топширишлари керак, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Зокиржон Азизов. — Хўжаликларнинг аъзолари ғалла ўрим-йиғимини қизғин давом эттириш билан бирга, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, сабзавот экинларини парваришлаш, боғ ва токзорларда мўл-кўлчилик яратиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.**

**Ҳа, ўрим-йиғим мавсуми ғаллакорлар учун ҳам қувончли, ҳам масъулиятли давр. Буни тўғри тушунган туман миришкорлари соҳанинг бундан буёнги ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятида бор куч ва имкониятларини ишга солишяпти.**

Эркин ТЎЛАГАНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

## МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

Шариф Бўроновни уста пахтакор сифатида Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжалигидагина эмас, балки Касби туманида довруғ таратганига анча бўлди. У уч йилдан буён бригадага етакчи. Ҳар йили гектаридан 37-38 центнердан ҳосил олиб, пешқадамлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Ўтган йил ҳам қувончли бўлди. Гектаридан 38 центнердан ҳосил олиб режани туманда биринчилар қаторида бажарди. Муҳими ҳосилдорлик ортган сайин маҳсулот сифати ҳам яхшиланмоқда.

Эрта баҳорда 22 гектар ерга чигит қадалди. Баҳор серёғин келишига қарамай, ҳамма карталарда уруғ қийғос ундириб олинди. Ҳозир қатор орасига ишлов бериш авжида. Бу ишда Зиё Файзиев фаол иштирок этмоқда. Тажрибали механизатор ҳар тонгни далада қарши олади. Эрталаб ғўзага ишлов бериш унга одат. Ғўзалар биринчи культивация жараёнида 100 килограмм фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилди. Қатор ораларига иккинчи ишлов ҳам сифатли ўтказилди. Гектарига 200 килограммдан эланган маҳаллий ўғит солинди. Ўз вақтида озиқлантирилаётган, қатор ораси яхши юмшатилган ғўзалар эрта шоналади.

Ишлов билан бирга экинга кальций ўғити беряпти. Бунда ниҳолларнинг пояси бақувват бўлади. Гул ва тугунчалар кўпайиб, кўсаклар сони ортишига имкон яратади. Кўсаклар барвақт очилади.

— Ҳозир ғўза парваришида масъулиятли палла бошланди. Ҳар туп ниҳол ардоқланса, кўзланган мақсадга эришилади. Озиқлантириш билан культивация орасида узилишга йўл қўйилмайди. Минерал ўғитлар билан озиқлантиришни ғўза гуллашгача бўлган давр оралиғида амалга ошириб, ундан сўнг маҳаллий ўғитлар берилса яхши бўлади, — дейди Зиё Файзиев. — Ишлов берилган карталарда бегона ўтлар йўқ. Бундай пайкалда ғўза соғлом ўсади, зараркунанда шикаст етказмайди. Ортиқча сарф-харажатларга ҳам ҳожат бўлмайди. Демак, қўл меҳнати енгиллашиб, маблағ тежалади.

Ниҳолларни бегона ўтлардан тозалашда 14 нафар ишчи иштирок этаяпти. Раҳима Бўронова, Дилбар Абдиева, Манзура Ширинова, Моҳигул Паттиева, Гулбаҳор Сирожова сингариларнинг ҳар бири кунига 15-20 сотих ерни чопиқ қиляпти. Бригада аъзоларининг ҳар бирига ўртача 1,5 гектардан сал ошиқ майдон тўғри келади. Бир гектар ерни чопиқ қилиб, бегона ўтлардан тозалаган кишига минг сўм иш ҳақи бериладди. Моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги боис иш унуми ортиб бораяпти. Довуд Султонов, Тожи Сайдалиев, Равшан Жалолов каби сувчилар ғўзаларни оби ҳаётга қондиришмоқда. Улар бу йилги шароитни ҳисобга олиб, уч ярим-тўрт марта суғоришни мақсад этиб қўйишган.

— Уч йилдан буён бригадани бошқариб келаман. Ўтган йили режа ошириб уддалаганлиги сабабли магнитафон билан мукофотлашди. Жорий йилда гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганмиз. Ҳозир ғўзанинг ривожи ёмон эмас. Шонага шона қўшилиши билан тугунчалар ҳосил бўлмоқда. Жамоамиз аъзолари бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишаяпти. Астойдил қилинган меҳнат, тўкилган пешона тернинг кузга бориб ўз самарасини беришига ишонаман, — дейди Шариф Бўронов.

Жамоа аъзоларига маданий-маиший шароитлар яратилган. 25 сотих ерга экилган эртаги бодринг ҳосилга кирди. 20 сотих майдонда помидор ҳосил бераяпти. 50 сотих ердаги буғдой қўлда ўриб олинди. Буғдой аъзолар ўртасида тақсимланди.

Хуллас, донгдор бригада жамоаси пахтадан мўл ҳосил олишга бел боғлаган. Юксак маррани кўзлаб меҳнат қилаётган заршуносларнинг кўнгли чоғ.

**Ю. ЖЎРАЕВ.**

# ТАРБИЯ БЕШИКДАН БОШЛАНУР

Буюк алломаларнинг кўпчилиги бешикда вояга етишган, дейишади. Улар ўзининг юксак маданияти, яратган нодир асарлари, бебаҳо кашфиётлари билан жаҳон халқларини ҳануз ҳайратга солиб келмоқдалар. Илмий салоҳият ва иқтидор жиҳатдан бугун ҳам бирор халқдан кам эмасмиз. Зеро, бола тарбиясига қанча эрта киришилса, шунча яхшидир. Янги дастурда мактабгача тарбия муассасалари равнақига жиддий эътибор қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу соҳадаги янгиликлар хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида АҲМЕДОВА шундай дейди:

— Юртдошларимизда фарзандлар камолоти билан фахрланиш туйғуси юксак. Бу ноёб хислат, меҳр-муҳаббат ота-оналарга ўз пушти-камаридан бўлган жигаргўшаларини кўча-кўйга назоратсиз ташлаб қўйишга имкон қўймайди. Болалар бошини меҳр билан силаган юртнинг эртаси обод бўлур албатта. Эзгулик истаган инсонлар фарзандига одамийликдан, жаҳоний илмлардан сабоқ бериб келган.

## Тизимда ислоҳот

Ватанпарварлик туйғуси бешикка беланган кундан бошланади. Гўдакнинг Ватани бешикдир. Алла эшитган кундан қалб дафтарига турли хил ёзувлар туша бошлайди. Бу сеҳрли қўшиқни тинглаб ўсган бола ёвузликни билмайди. Тарбия бешикка беланган кундан бошланади. Бизда қадимдан ҳар бир хонадон тарбия маскани бўлган. Ахлоқ-одобни ёшлар шу сабоқ қўрғонида ўрганишган. Маҳаллалар ҳам ўзига яраша тарбия ўчоғи ҳисобланган. Бир болага етти маҳалла оталик қилган. Фарзандлар тарбиясига доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугун ҳам улар ёшларни тарбиялашда қўл келаяпти. Янги дастурни тузишда ана шу қадимий меросимизга мурожаат қилдик, бу дурдоналардан фойдаландик.

Мукаммал миллий таълим дастури яратишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида оммавий ҳаракат бошланиб кетди. Унинг барча йўналишлари ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар мактабгача тарбия муассасаларидаги муаммоларга ҳам барҳам беради. Чунки кейинги пайтда мавжуд 8464 та болалар боғчаларида кичкинтойлар сони камайиб кетди. Уларда ҳозирда миллионга яқин болакайлар ва қизалоқлар тарбияланмоқдалар. Янги замон бу соҳани ҳам ўзгартираяпти. Тарбия масканларининг янги турлари жорий этилмоқда. Жумладан, хонадон, мактаб, кичик ҳамда қўшма корхоналар қошида митти боғчалар, илк ривожланиш марказлари яратилаяпти. Энди олдимизда уларни норматив ҳужжатлар, низом ва методик қўлланмалар билан таъминлаш вазифаси турибди. Қолаверса, тарбиячилар ва болалар учун адабиётлар яратиш, кичкинтойлар масканларини замонавий жиҳозлар ва ўйинчоқлар билан таъминлаш ҳам муҳим масала. Шунингдек, хилма-хил йўналишдаги болалар муассасалари учун ягона давлат стандартини ишлаб чиқиш ҳам давр тақозосидир. Ҳозирданоқ янги самарали чет эл технологияларини тизимга олиб кириш, таълим ва тарбиянинг илмий асосини яратишга киришилди.

Мактабгача тарбия масканларида ислоҳотни амалга оширувчи шахс тарбиячидир. Шунинг учун уларни янги дастурга тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш даври келди. Албатта, бу жараён ўз-ўзидан осонликча ҳал бўлмайди. Бунинг учун ривожланган мамлакатлар маориф тизими билан яқиндан танишиш, улар тажрибасини ўрганиш керак. Ҳозир Германия билан бу борада ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 22-25 июнда Самарқанд шаҳрида вилоят мактабгача тарбия муассасалари раҳбарларининг учинчи ўқуви ташкил қилинмоқда. Унда юртдошларимиз тажрибали олмон мутахассисларидан лекция тинглашади. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ҳам мактабгача тарбия муассасалари фаолиятида ижобий томонга туб бурилиш ясашдан иборат. Кичкинтойлар масканларидаги болалар сонини ҳозирги 24,5 фоиз даражасидан 2005 йилга бориб 40 фоизга кўтариш зарур. Бундан буён маълум фоиз болалар боғчалари мулкдорлар ҳомийлигида бўлади. Айни пайтда республикамизда янги боғчалар қураётган, уларга ёрдамлашаётган тадбиркорлар оз эмас. 60 фоиз болалар хонадон боғчаларига жалб этилади. Бунинг учун 168 номдаги янги методик адабиётлар яратиш керак. Улар 7 тилда чоп этилади. Болалар масканларининг моддий базаси ҳам яхшиланади. Тарбия жараёнини тўла қамраб олган 60 га яқин видео ва аудиофильмлар яратиляпти. Шунингдек, ота-оналарга мослаб «Фарзандингиз соғлом бўлишини истасангиз», «Оилада математика билан танишамиз» сингари юзлаб қўлланмалар чоп этилмоқда. Болаларга таълим ва тарбияни турли хил ўйинлар орқали ўргатишга эътибор ортаётир. Қисқаси, мамлакатимизда буюк келажакни яратувчи, ёшларни илми-урфонга, одоб-ахлоққа бошловчи оммавий ҳаракат бошланиб кетди. Шу яратувчиликнинг бошида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов турибди. Бу эса тарбия соҳасида ислоҳотнинг изчил ўтишига муҳим кафолатдир.

**Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**





# Бухоронинг 2500 йиллигига

Мустақил мамлакатимизда бу йил кўҳна шаҳарларимиз — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Маънавий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этадиган ана шу саналарга ҳар жабҳада катта тайёргарлик кўриляпти. Қадимий шаҳарларимизнинг икки ярим минг йиллик байрами фақатгина республикамиз миқёсидагина эмас, балки жаҳон даражасида нишонланиши мустақил мамлакатимизнинг обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлигидан яна бир карра далолат беради. Чунончи, ҳозирги пайтда дунё маданиятининг марказларидан бири — Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида Бухоро ва Хива юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтаяпти.

Ўзининг бой архитектура ёдгорликлари билан танилган Бухорода бу санага алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Мадрасалар, мачитлар, миноралар ва бошқа архитектура ёдгорликларини тиклаш, таъмирлаш ишлари кенг кўламда амалга оширилаяпти. Кўҳна иморатларнинг ерости шўр сувлардан заҳ олиб, шикастланишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳар ичидан ўтказилган йирик мелиорация шохобчаси — усти ёпиқ коллектор қайтадан қурилмоқда. Бу муҳим ишга кўпгина қурилиш ва мелиорация ташкилотлари, автохўжаликлар жалб этилган. Ана шу иншоотнинг тез ва соз қурилиши шаҳар ободончилигида ҳамда кўкаламзорлаштирилишида муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро Аркида ҳам кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бу ерда вилоятнинг турли туманларидан ҳашарга келган қурувчилар жонбозлик кўрсатишаяпти. Хусусан, Ғиждувон туманидаги хўжаликлараро механизациялашган 206-кўчма колонна бунёдкорлари сидқидилдан ишлаётганликлари билан ажралиб турибдилар. Таъмирловчилар шаҳарнинг кўҳна тарихидан дарак берувчи турли далилларга қайта-қайта дуч келишяпти. Масалан, яқинда Арк атрофида қазиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда ерости йўлини ёки қадимий ирригация тармоғини эслатувчи ғорга дуч келишди. Унинг теваракатрофи ғишт билан мустаҳкамланганлиги авлод-аждодларимиз қадимда ҳам ҳар бир ишни пишиқ-пухта бажарганликларидан далолат беради.

**Суратларда: 1. Бухоро меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда фаол иштирок этаётган Ғиждувон хўжаликлараро механизациялашган 206-кўчма колонна қурувчиларидан Ғайбулла Маҳмудов (чапдан), Комил Латипов ва Комил Аҳмедовлар. 2. Бухоро Арки яқинида қазиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда дуч келинган ва мутахассислар томонидан ерости йўли ёки ирригация шохобчаси дея фараз қилинаётган ғорнинг кўриниши.**

**Ҳ. ҚУРБОНОВ олган суратлар.**

НАЗАРМАТ

## ИССИҚ НОН ЁПИЛУР

*Ўйнар еллар эпкини*
*Ғаллазорлар мавжида.*
*Миришкорлар экини,*
*Айни ўрим авжида.*

*Уюлмоқда хирмонлар,*
*Қир-адирлар эҳсони,*
*Келур йўлда*
*карвонлар*
*Улар элнинг ризқ, нони.*

*Тандирларда чўғ*
*гувлаб,*
*Иссиқ нонлар ёпилур,*
*нақш олмадай*
*нурланиб,*
*Саватларга олинур.*

*Мағзи бўртиб, иссиқ*
*нон,*
*Диёр ҳидин келтирур,*
*Ёзилганда дастурхон,*
*Азиз номи айтилур.*

*Ниятига эл етгай,*
*Замин бўлур донга кон,*
*Ғалласин ҳам*
*пахтадай*
*Уяр ҳур Ўзбекистон.*

## Маданият жабҳасида

### Тарихингдир бир жаҳон

**Балиқчи тумани маданият уйи ижодий жамоаси «Тарихингдир бир жаҳон» деб номланган театрлаштирилган томошани санъат мухлисларига тақдим этди. Алижон Асқаров режиссёрлик қилган, Шокиржон Абдулазизов сценарийси билан саҳнага олиб чиқилган мазкур томошада халқимизнинг узоқ ўтмиши ва озодлик учун курашган аждодларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Ёш ва истеъдодли санъаткорлар Иродахон Жўраева, Шуҳрат Пўлатов, Комилжон Ражаббоев, Нигора Ҳакимовалар ижро этган роллар томошабинларга манзур бўлди.**

### Уч бахил ва Оқил

**Тўхтасин Жалилов номидаги Андижон вилоят санъат билим юртининг драма студияси ижодий жамоаси Айниддин Зайниддинов қаламига мансуб «Уч бахил ва Оқил» деб номланган янги спектаклни саҳнага қўйдилар.**

**Достон Ғаффоров саҳналаштирган ушбу томошада асосий образларни Раҳматилла Ўринов, Бахтиёр Мадраҳимов, Сардор Валиев, Назокат Ҳошимовалар яратганлар.**

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**

**Республика «Андуслубпахта» илмий ишлаб чиқариш ва тижорат маркази чигитни плёнка остига экиш сеялкаси учун**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Плёнка остига бир қатор ва икки қатор чигит экадиган мавжуд Андижон—2М, 3М, 4М ва бошқа сеялкаларни такомиллаштириб қулай, самарали бўлиши;

— икки қаторли сеялкалар бир уяга 2—3 тадан, керак бўлганда 1 уяга биттадан хатосиз уруғ тушиши, уруғ тушган пленка тешикчалари тупроқ билан ёпилиши;

— бир қаторли, пуштага ва пуштасиз экадиган сеялкалар бир уяга 2—3 тадан, керак бўлганда 2 тадан хатосиз тушадиган, уруғ тушган пленка тешикчалари гунг аралашмали тупроқ билан бирга тўла ёпилиб кетиши;

— иккала усулда ҳам пленкаларни ҳар иккала чети тупроқда маҳкамланиши, шамолдан учиб кетишига йўл қўймаслиги, ёмғир,сел натижасида чигит экилган тешикчаларга сув тўпланиб қолмаслиги, қатқалоқнинг олдини олиши;

— бир иш кунида 7—8 гектар ерга чигит экиш имконига эга бўлиши зарур.

Танлов ғолиби 300000 (уч юз минг) сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

Танлов муддати: эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой.

***Республика «Андуслубпахта» илмий ишлаб чиқариш ва тижорат маркази манзилгоҳи:***
***Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси 5А-уй. Телефон: 41-50-41.***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 29-мактаб томонидан 1991 йили Қорабоев Лутфулла Шавкатович номига берилган А № 516457 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни таркибида — бирлашган бухгалтериясида бўлганлиги ва номи ўзгарганлиги сабабли «Қишлоқ ҳақиқати» тугатилган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

# НАФАС ҚИСИШ НОГИРОНЛИКМИ?

## Сўраган эдингиз

***«Ассалому алайкум, ҳурматли «Қишлоқ ҳаёти» ижодий ходимлари, маълумки, нафас қисиш касалига учраётганлар бор. Шу боис бу дарднинг олдини олиш, даволаш усуллари ҳақида мутахассис суҳбатини ёзсангизлар, фойдадан холи бўлмасди.***

**Доимий мухлисингиз:**
**Матлуба МИРКАРИМОВА, Кува тумани.**

**Ушбу мактуб муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва қайта тиклаш илмгоҳининг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Абдусамат АБДУСАЛОМОВни суҳбатга тортдик.**

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар бу касалликнинг келиб чиқиши, унинг ривожланиш сабаблари хусусида илм-фанда аниқ бир тўхтамга келинганича йўқ. Сайёрамизда ҳар йили шу дард туфайли 2 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юммоқда. Шундай экан, бу касалликни чуқур ўрганиш, уни даволаш йўлларини изламоқ ниҳоятда долзарб вазифадир.

Мамлакатимизда нафас қисишнинг икки тури — юқумли-аллергик ва атопик тури учрайди. Лекин амалиётда бу доирага сиғмаётган касалликнинг бошқа турларини пайдо бўлиши ҳам кузатилаётир. Санк-Петербурглик олим, профессор Г. Федосеев раҳбарлигидаги илмий жамоа томонидан ҳозиргача нафас қисиш касаллигининг 8 тури қайд этилди. Буларга қўшимча тарзда профессор Ф. Комаров 1992 йилда қаттиқ ҳаяжонланиш оқибатида содир бўлажак нафас қисишнинг яна бир турини аниқлади.

Илмгоҳимиз ходимларининг кўп йиллик кузатишларига кўра, кўпчилик беморлар ўз аҳволларининг ёмонлашувини меҳнат жараёнларида бажариладиган жисмоний зўриқиш билан боғламоқдалар. Олиб борилган изланишлар бу муаммонинг илмий ечимини топишга имкон берди.

Нафас қисиш жараёни мураккаб кечади. Бу ўз навбатида шифокорлар олдига кўплаб муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Чунончи, тиббий қайта тиклаш қатори беморларда ижтимоий кўникмалар ҳосил этиш ҳам талаб этилади. Ногиронларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, жамиятимизда бошқалар сингари тенг ҳуқуқли эканликларини доимо ҳис этиб туришлари учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, тиббий ёрдамни кучайтириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биз олиб борган текширишлар беморларда жисмоний зўриқиш оқибатида нафас қисишининг қаттиқ хуружлари пайдо бўлаётганини кўрсатди. Улар жисмоний зўриқишнинг турли-туманлиги билан изоҳланади.

Бир далилга эътиборингизни жалб этамиз. А. исмли киши корхонада юк ташувчи бўлиб ишлаган. Соғлиғи ёмонлаша бошлагач, бир неча шифохоналарда даволанди. Муолажалардан сўнг ўзини яхши ҳис этиб, хуружлардан фориғ бўлгандай, ўз меҳнатини давом эттирди. Лекин шифохонадан қайтганидан сўнг ҳафта ўтар-ўтмас яна нафас қиса бошлади. Бу аҳвол икки-уч йил такрорланди. Айниқса, нафас хуружларидан бири ниҳоятда кучайиб кетди. Йил давомида тўрт ой касаллик варақасида бўлганидан кейин тиббий меҳнат экспертиза комиссияси унинг меҳнат қобилиятини аниқлаш учун илмгоҳимиз шифохонасига йўллаган. Ходимларимиз беморнинг аҳволини ҳар томонлама синчиклаб ўргангач, унда ўртача оғирликда жисмоний зўриқиш орқали ривожланадиган нафас қисиш хуружи борлигини аниқладилар. Натижада бемор учинчи гуруҳ ногирони деб қайд этилди. Унга ўз касбини ўзгартириши лозимлигини тавсия этдик.

Орадан бир ой ўтгач, бемор қайта кўрикдан ўтказилди. Шунда биз тўғри хулосага келганимизга ишонч ҳосил қилдик. Чунки бемор янги — ўзига, меҳнат қобилиятига мос ишга ўтгач, нафас қисиш хуружлари кескин камайиб кетганлигини айтди.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ҳар дарднинг олдини олган маъқул. Дарднинг келиши осон, кетиши қийинлигини ҳамма яхши билади. Қисқаси, нафас қисиш касаллиги ҳам ногиронликнинг бир туридир. Бу дарднинг илк кўриниши бошланишидаёқ шифокорга мурожаат этилиб, унинг олди олингани маъқул.

**Суҳбатдош: Файзулла ИСАЕВ.**

**ЎРГИМЧАККАНА, унга қарши кураш воситалари**

**Экинларга ўргимчаккана зиён етмаслиги учун Митак ёки тозаланган Кельтан сингари кимёвий воситалардан фойдаланишни тавсия этамиз.**





***Ҳар гектар экинзор ҳисобига 2-3 литр Митак эритмаси пуркалса, ғўза, полиз ва сабзавотни ўргимчакканадан, помидорни эса занг канасидан ҳамда шира, оққанот каби бошқа зараркунандалардан халос қиласиз. Аввалги Кельтандан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладиган тозаланган Кельтандан ўргимчакканага қарши фойдаланганда ҳар гектар экинзорга 2-2,5 литр эритмани сарфлаш талаб этилади.***

**Қўшимча маълумотлар юзасидан, Германиядаги «АгрЭво» фирмасининг Ўзбекистон ваколатхонасига мурожаат этинг.**

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй, 56-квартира, Тел.: 33-35-25, Факс: 30-20-31.

AgrEvo

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • • СПОРТ • СПОРТ

# ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИНИ ИЗЛАБ

**Биз яшаётган табаррук замин қадим-қадимдан нафақат мард ўғлонлари, балки, шижоатли хотин-қизлари билан ҳам машҳурдир. Мисол тариқасида бундан икки минг беш юз йил аввал юртимизга бостириб кирган босқинчиларга қақшатқич зарба беришда тенгсиз жасорат кўрсатган маликаи даврон Тўмарисни эслайлик. Худди шундай Темурий маликалар ҳам аксарият жангу жадалларда эрлари билан жамики машаққатларни биргаликда баҳам кўришган, зарур пайтлари қўлга қурол олиб, душман устига от солишган.**

**Хуллас, ҳаётнинг ўзи аёллардан оқила уй бекаси бўлиш билан бирга чападастликни ўрганишни тақозо этган. Сир эмаски, олдинги тузум пайти ҳам оғир дала юмушлари аёлларимиз зиммасида эди. Ҳозир ҳам уларни бу ишлардан тўла озод қилдик дея олмаймиз. Лекин мустақиллик туфайли соғлом авлодни камол топтириш, аёллар саломатлигини ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш кўплаб ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.**

**Бу борадаги тадбирлар кўлами кун сайин қулоч ёзмоқда. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши Истиқлолнинг 6 йиллигига бағишлаб республика қишлоқ хотин-қизлари XVIII спартакиадасини ўтказиш тўғрисида биргаликда қарор қабул қилганликлари ҳам ана шундан яққол далолатдир.**

**Куни кеча ушбу мусобақаларнинг финал баҳсларини ўтказишга мутасадди бўлган ташкилий қўмитанинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Собитов бошқарди.**

**Йиғилишда республика хотин-қизлари XVIII спартакиадаси финал баҳсларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди ва тегишли тадбирлар белгиланди. Ушбу мусобақа жараёнини оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениеда изчил ёритиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида махсус қарор ҳам қабул қилинди. Унга кўра энг яхши мақолалар муаллифлари учун ҳар қайсиси беш минг сўмдан олтита мукофот белгиланди.**

**Баҳсга марҳамат, қалам аҳллари!**

Ш. АЛЛАМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»
давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0365, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.